# ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## ИШ УСЛУБИ ТАКОМИЛЛАШСИН

Янгийўл район партия комитети бюро мажлисида У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси касаба союз комитетининг партия қарорларини бажариш соҳасидаги иши кўриб чиқилди.

Бюро мажлисида қайд қилинганидек, аграр-саноат бирлашмаси касаба союз комитети оммани ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этишда ибратли ишларни амалга ошираяпти. Бирлашма коллективи ўтган йили давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли ўринлади. 1982 йилдагига нисбатан 2,8 миллион сўмлик кўп фойда олинди, меҳнат унумдорлиги ўсди, рентабеллик ортди. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга бирлашма касаба союз комитети фаолиятида айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Коллективда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш, ноишлаб чиқариш ҳаражатларига барҳам бериш соҳасидаги ички резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Касаба союз ташкилотлари ўз ишларига танқидий назар билан қарамаётирлар. Жойларда уюштирилган социалистик мусобақа қоғоздагина қолиб кетмоқда.

Район партия комитетининг бюроси ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда бирлашма касаба союз комитетига иш услубини такомиллаштириш, қуйи касаба союз органларига раҳбарликни яхшилаш, социалистик мусобақанинг янги форма ва методларини жорий этишни тавсия қилди. Шунингдек, бюрода бирлашма партия комитетига касаба союз ишига раҳбарликни янада кучайтириш, касаба союз органларига сиёсий жиҳатдан етук, катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган обрўли кишиларни тавсия этиш вазифаси юклатилди.

## КОМСОМОЛ — ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВ

Бекобод район халқ хўжалиги равнақида ёшларнинг улкан ҳиссаси бор. Райондаги саноат корхоналари, хўжаликлар, ташкилот ва муассасаларда ўнлаб комсомол-ёшлар бригадалари ўн биринчи беш йиллик план ва топшириқларини ошириб бажариш учун олиб борилаётган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Аммо, баъзи меҳнат коллективларида ёшларнинг авангардлиги, ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги сезилмайди. Партия ташкилотлари комсомол фаолиятига дуруст раҳбарлик қилолмаяптилар. Натижада ёшларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги пасайиб кетяпти.

Партия ташкилотлари секретарларининг яқинда бўлиб ўтган семинарида «Комсомолга партиявий раҳбарликни кучайтирайлик» деган мавзуда доклад қилган район партия комитетининг иккинчи секретари Л. Т. Панченко комсомол ташкилотлари ишини юқори поғонага кўтаришдаги вазифалар устида алоҳида тўхталиб ўтди.

Семинарда район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳатамов сўзга чиқди.

Х. ОТАҚУЛОВ.

## РАЙКОМ НАЗОРАТИДА

Бўстонлиқ районида маъмурий органлар ва хизмат кўрсатиш идоралари раҳбарларининг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Район партия комитети томонидан уюштирилаётган бундай учрашувларда суҳбат турли мавзуларда боради.

Яқинда Бурчмулла қишлоқ Совети ижроия комитетининг мажлислар залида бўлиб ўтган савол-жавоб кечаси асосан юридик темага бағишланди. Бурчмуллаликлар район ички ишлар бўлими бошлиғи У. Нурматов ва район прокурорининг ёрдамчиси Л. В. Олейниковаларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, оила ва никоҳ мавзуларидаги суҳбатларини зўр қизиқиш билан тинглашди, ўз саволларига тўла-тўкис жавоб олишди.

Учрашувда район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ф. Нурматов район меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида юбилей йилида амалга ошираётган ишлари ҳақида ахборот берди.

Тингловчилар район раҳбарларига маданий-маиший шарт-шароитларни яхшилашга оид бир неча савол бердилар. Яккатут қишлоғида сув таъминотини яхшилаш, нон маҳсулотлари сифатини ошириш ҳақидаги сўровларнинг бажарилиши район партия комитети назоратига олинди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.



● ТОШКЕНТДАГИ СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли шифокорлар малакасини ошириш институтининг пульмонология бўлими врачлари медицина асбоблари ёрдамида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар.

Суратда: СССР соғлиқни сақлаш аълочиси, пульмонология бўлимининг доценти Д. Х. Маҳмудова ва шу бўлим лаборанти Д. И. Ҳидоятовалар иш устида.

Х. Мирзакаримов фотоси.

# ГФР ҲУКУМАТИГА ЭСДАЛИК ХАТИ

Халқаро битимларга мувофиқ ГФРнинг стратегик мақсадлар учун бомбардимончи самолётларни, шунингдек узоқ масофага учириладиган ракеталарни ишлаб чиқариши тақиқлаб қўйилган эди. Ғарбий Европа иттифоқи Бош секретариатининг расмий ахборотига кўра, бу ташкилотнинг кенгаши Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг илтимосига биноан бу тақиқловни бекор этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу тариқа халқаро битимлар ва қарорларга хилоф равишда ГФР қўшни давлатларнинггина эмас, ГФРдан олисдаги давлатларнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид қила оладиган ва катта масофага отишга мўлжалланган ўз тажовузкорлик қуролларини вужудга келтириш ва кўпайтириш имконига эга бўлади. Федерал республика бу имкониятдан ҳозирча фойдаланиш ниятида эмас, деган баёнотлар аслида ишнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Маълумки, ГФР бирон тарзда чеклашларнинг бекор қилинишига эришиш учун ҳаракат қилганида ҳар сафар бундан ўз ҳарбий потенциалини кўпайтириш учун фойдаланиб келди. Бу ҳарбий потенциал аллақачонлар ГФР мудофаасининг оқилона эҳтиёжларидан ошиб кетган.

Аслини олганда, Американинг биринчи зарба уришга мўлжалланган ва СССРга ҳамда унинг иттифоқчиларига қарши қаратилган стратегик ядро воситалари мамлакат территориясида жойлаштирила бошлаши биланоқ ГФР ҳукумати ана шундай янги хатарли чора кўраётганлигини тасодифий бир ҳол деб ҳисоблаш мумкин эмас.

ГФР ҳукуматининг бундай хатти-ҳаракатлари унинг ҳарбий кескинликни юмшатиш, ишонч ва яхши қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантириш ишига тарафдормиз, деб айтган гапларига тамомила зиддир. ГФР территориясини биринчи зарба бериш учун плацдармга айлантириш ва ўзининг ҳужум қуролларига эга бўлишга қаратилган йўл ГФР ва унинг армиясининг ҳарбий доктринаси фақат мудофаа характерига эга эканлиги тўғрисида кўп марта айтилган гапларга ҳам асло тўғри келмайди. Бундай йўл бунда кўзда тутилган мақсадлар ҳақидаги ва умуман ГФР сиёсатининг йўналишлари тўғрисидаги қонуний масалани келтириб чиқаради. Бу масала шу жиҳатдан ҳам жуда асослаб берилганки, ҳеч ким ГФРга таҳдид қилмаётир ва унинг территориясига бирон тарзда даъво қилмаётир.

Шу муносабат билан қуйидагиларни эслатиб ўтиш керак: Потсдам битими немис тупроғидан қўшни давлатларга ва умуман жаҳонга бундан буён ҳеч қандай хавф туғдирилмаслиги керак, деган мажбуриятни белгилаган эди. Ҳуқуқий жиҳатдан собиқ Рейхнинг ворисларидан бири бўлмиш Германия Федератив Республикаси зиммасига ана шу мажбурият юкланган. Бу мажбурият сўзсиз бажарилиши керак.

Совет томони федерал ҳукуматнинг бу мурожаатга ғоят жиддий қарайди ва башарти ГФР катта олисликка мўлжалланган ўз ҳужум қуролларини вужудга келтириш йўлига ҳақиқатдан ҳам ўтиб олган тақдирда муқаррар вужудга келадиган салбий оқибатларни синчиклаб чамалаб кўради, деб кутади. Потсдам битими, Москва шартномаси, Хельсинки якунловчи актининг руҳи ва ҳарфига мувофиқ Европада ҳарбий мухолифликни кескинлаштириш эмас, балки камайтириш, қуролланиш пойгаси эмас, балки қуролсизланиш, хавфсизликка путур етказиш эмас, балки Европадаги барча давлатлар ўртасида барқарорлик ва тинч муносабатларни ривожлантириш — ГФР ҳукуматининг бурчидир. ГФР ҳукуматини Европа халқлари олдида ва унинг ўз халқи олдида бу мажбуриятдан ҳеч ким халос қила олмайди.

* * *

Эсдалик хатининг тексти 1984 йил 10 июлда расмий равишда ГФР ҳукуматига топширилди.

ГФРнинг катта олисликка мўлжалланган ҳужум қуролини ишлаб чиқаришни чеклаш бекор қилинганлиги муносабати билан тегишли баёнотлар СССР билан бир қаторда Германия ишларига доир иттифоқчилараро битимлар ва қарорларнинг иштирокчилари бўлган АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларига маълум қилинди. Бу масалага Ғарбий Европа иттифоқининг аъзолари бўлмиш Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург ҳукуматларининг ҳам эътибори жалб қилинди.

# СЕКРЕТАРНИНГ ТАКЛИФИ БИЛАН

Партия комитетининг навбатдаги мажлисида экономика ва маданиятга, кадрларни танлаш ва тарбиялаш, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга оид бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Мажлис охирида партком секретари Асқар Зоитов бир таклифни ўртага ташлади.

— Дала ишларининг бошланиб кетганига анчагина вақт бўлиб қолди, — деди у. — Навбатдаги умумий партия йиғилишида касаба союз комитетининг дала шийпонларини жиҳозлаш, колхозчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича бажарган ишларини бир муҳокама қилсак, деган эдим. Касаба союз комитети раиси Акмал Ғуломовнинг докладини тинглаймиз. Шундан сўнг қўшимча докладлар ҳам бўлади. Бунинг учун ҳозир махсус комиссия тузиб олишимиз керак. Комиссия аъзолари партия йиғилиши олдидан шийпонлардаги аҳволни синчиклаб кўздан кечириб чиқадилар. Сўнг ютуқ ва камчиликлар ҳақида йиғилишда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

Секретарнинг таклифи партком аъзоларига маъқул тушди. Шу куниёқ махсус комиссия тузилди. Комиссия аъзоларига аниқ топшириқлар берилди.

Колхоздаги 15 та далачилик бригадасининг ҳаммаси ўз шийпонига эга. Бу шийпонларнинг 8 таси типовой усулда қурилган. Комиссия аъзолари икки марта Ленин ордени кавалери Саиджаббор Сулаймонов бошлиқ бригада дала шийпони ишидан айниқса мамнун бўлдилар. Бригада коллективи бу йил 73 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. Ўтган йилги қийин шароитда ҳам бу ерлардан 50 центнерга етказиб «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олинган эди. Бу йил азаматлар 55 центнерлик марранн кўзламоқдалар.

Бригада дала шийпони шинам. Колхоз бухгалтери Роза Абдураззоқова шийпон мудири қилиб тайинланган. Шийпон электрлаштирилган, газлаштирилган. Дам олиш соатларида теварак-атроф колхозчилар билан гавжумлашиб кетади. Тушлик пайтида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилади, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилади.

Қўшни бригада дала шийпони ҳам обод ва кўркам. Бу бригадага область мукофотининг лауреати Эргаш Бозорбоев раҳбарлик қилаяпти.

### ДАЛА ШИЙПОНИ — ДЕҲҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Бригада коллективи бу йил ажойиб ташаббус билан чиққан. Улар ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун кураш бошлаганлар. Бу ташаббусни Саиджаббор Сулаймонов, Эрмакбой Ўрозқулов, Қосим Эшонов бошлиқ бригада коллективлари ҳам қўллаб-қувватладилар.

Бригада шийпонларига осиб қўйилган плакат ва шиорлар кўзланган марранн муваффақиятли забт этишга чорлайди. Ҳар бир шийпон олдида кичиккина томорқа, ёрдамчи хўжалик бор. Томорқадан чиққан ноз-неъматлар тушлик учун дастурхонга тортилаяпти. Пахтакорларнинг меҳнатдан сўнг маданий дам олишлари учун ҳам барча шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир кишига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаяпти.

Ҳозир сувчи пайкалларда асосий фигурадир. Уларга махсус кийим-бошлар берилган, дам олиш хоналари ажратилган, иссиқ овқатлар билан таъминланган. Сувчилар икки-уч группага бўлинишган. Пайкаллар группа аъзоларига тақсимлаб берилган. Ким қаерда суғориш ишларини олиб бораётганлиги ҳаммага маълум. Сифат комиссияси аъзолари эса ғўзаларни суғориш, парваришлаш қандай ташкил этилганлигини текшириб юришибди. Назоратнинг бу усули иш сифатини оширишга ёрдам беряпти.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози коммунистларининг очиқ партия йиғилишида дала шийпонлари ишини ташкил этиш ва пахтакорларнинг меҳнат шароитини яхшилаш бўйича бажарилаётган ишларга якун ясалди, илғор тажрибалар умумлаштирилди, бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишда колхоз коллективи бу йил 1020 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга бел боғлаганлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Колхоз партия комитети бу юксак мажбуриятнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича жамоат ташкилотлари билан катта ташкилотчилик ишларини олиб бораяпти. Ҳозир ғўзаларнинг ривожи авжида. Кечагина текис шоналаб турган ғўзалар бугун кўсаклардан маржон тақаяпти. Бу маржонлар ҳадемай чамандек очилиб, бўлажак катта хирмонларга мустаҳкам замин бўлади.

Ж. НОСИРОВ.
Бўка районн.



● ОЛМАЛИҚ сут заводи коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик қутлуғ тўйини муносиб нишонлаш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Ишчи-хизматчилар бу йил 18 минг тоннадан кўпроқ қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақидаги мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Ярим йиллик маҳсулот реализация қилиш плани ортиғи билан адо этилди.

Суратда: етти йилдан бери заводда ишлаб келаётган пешқадам сут қабул қилувчи Ирина Ивановна Антошкина. У меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқда.

В. Портнов фотоси.

ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

# КИШИ БОШИГА 46 КИЛОГРАММ

ЯНГИЙЎЛ ёғ-мой комбинати ёрдамчи хўжалиги бугунги кунда чорва фермасини эслатади.

...Дастлабки кезларда корхона ишчи-хизматчилари ҳашар йўли билан кичик молхона барпо этган этдилар. Шу ерда 12 та қорамол боқила бошланди. Ана шундай кичик хўжалик маҳсулот бера бошлагач, бу соҳага қизиқувчилар, унга ёрдам берувчилар сони орта бошлади.

Кўп ўтмай бу ерда 200 бош қорамолга мўлжалланган типовой молхона барпо этилди. Ҳозирга келиб комбинат агроцехида 150 бош қорамол бўрдоқига боқилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг тирик вазни 600 килограммга етгандан кейингина гўштга топшириляпти. Бу тадбир ўтган йилнинг ўзида ҳар бир ишчи ҳисобига 36 килограммдан гўшт етиштириш имконини берди.

— Бу ҳам чегара эмас, — дейди ферма мудири Убайдулла Нишонбоев. — Йил охиригача қорамоллар сони 180 бошга етказилади. Ҳар бир ишчи ҳисобига эса 46 килограммдан гўшт етиштирилади. Бу бизнинг юбилейга меҳнат совғамиз бўлади.

Ёрдамчи хўжалик коллективи бу марранн муваффақиятли эгаллаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу хайрли ишда молбоқарлардан Б. Усмонов, А. Ҳамидов, Ҳ. Абдувоҳидовлар фаоллик кўрсатишмоқда. Улар молларни яхши парвариш қилиб, тез семиришига эришмоқдалар.

Д. ҚОДИРОВА.

# ҚЎШИМЧА ЯРИМ МИЛЛИОН СЎМЛИК

ОҲАНГАРОН ғалла маҳсулотлари комбинати кейинги йилларда район ва тармоқ саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқлари барча иқтисодий-техник кўрсаткичлар бўйича мунтазам равишда ортиғи билан бажарилмоқда. Шу боис комбинат ишчилари 1983 йилги меҳнат зафарлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди.

Бу мукофот уларни ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида янада самарали ишлашга руҳлантириб юборди. Барча цех, смена ва бригадалар ўртасида йил бошидан буён меҳнат беллашуви қизғин давом этмоқда. Кўплаб бригадалар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига йиллик планларини муддатидан бир-бир ярим ой илгари бажаришга аҳд қилиб, зарбдорона ишламоқдалар.

Ҳар бир коллективнинг ўз резерв ва имкониятлари бўлади. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланаолган коллективгина меҳнатда салмоқли ютуқларни қўлга киритади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш кўп жиҳатдан шундай мавжуд имкониятлардан фойдаланишга боғлиқ. Комбинатда бу йил меҳнат унумдорлигини 1,1 процент оширишга қарор қилинган. Маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш эвазига эса 57 минг сўмлик иқтисодий самара олиш кўзда тутиляпти. Комбинат коллективи юбилей йилидаги бу улкан режаларни амалга ошириш учун графикдан ўзиб ишламоқда. Шу туфайли планни ой сайин зиёдаси билан бажаришга эришяпти. Ярим йиллик план 107 процент бажарилиб, қўшимча 500 минг сўмлик атрофида маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Меҳнат ветерани Виктор Андросов, Анатолий Богатирев, Анатолий Мукарев, Владимир Ким, Эламас Ашуралиев каби кўплаб ишчилар алоҳида ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Собир Шомилов етакчилик қилаётган коллектив эса омухта ем ишлаб чиқариш суръатини тобора оширмоқда. Коллектив аъзоларининг беш йилликнинг бошидан буён ғолиблар сафидан ўрин олиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки, унга қалби олов, меҳнатсевар ёшлар жамланишган. Лилия Соломова, Татьяна Тихонова сингари илғор ишчилар эса ўз нормаларини ҳамиша ортиғи билан уддалашмоқда.

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий одати. Комбинат ишчилари шу мақсадда шонли юбилейга муносиб совға ҳозирлаш учун кун сайин иш суръатига суръат қўшишяпти.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

# ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ ҚУРУВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги виставкасининг тематик павильонида «Главташкентстрой» системасида қурилишни автоматлаштирилган тарзда бошқариш деб номланган янги кўргазма очилди. Унда бош бошқарма системасида электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш натижасида кўрилаётган самара ўз аксини топган.

«Главташкентстрой»га қарашли бўлинмалар ишини планлаштириш, улар қураётган турли объектларга зарур қурилиш материаллари ҳажми, сарф бўладиган меҳнат миқдори, бажариладиган ишларнинг муддатлари, қурилиш материаллари етказиб берувчи корхоналарнинг имкониятлари ва объектларни қисқа муддатлар ичида сифатли қилиб фойдаланишга топшириш каби муаммолар жуда кўп бўлиб, уларнинг мутаносиблигини таъминлаш жуда мураккаб вазифадир. Тажриба шуни кўрсатдики, юксак малакали мутахассислар ҳам қурилиш объектини тезкор усуллар билан бунёд этишнинг узоғи билан 50 хил вариантини ишлаб чиқиши мумкин экан. Ундан ортиғига вақти ҳам, кучи ҳам етмайди. Электрон-ҳисоблаш машинаси эса қисқа муддат ичида шундай вариантларнинг 150 дан ортиғини текшириб бериши мумкин.

Бош бошқарма электрон-ҳисоблаш маркази ташкил этилган дастлабки вақтда «Главташкентстрой» бўйича ҳар йили 250 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга ошириларди. Уларни планлаштириш билан 200 мутахассис банд эди. Демак, ҳар бир ходим 1 миллион 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларининг режаларини тузиб берарди. Кейинги йилларда бош бошқарма коллективи амалга ошираётган ишлар ҳажми анча кенгайди. У 330 миллион сўмга етди. Агар планлаштиришнинг эски усули давом этганида мутахассислар сони янада кўпайиши лозим эди. Электрон-ҳисоблаш машиналарини қўлланиш туфайли бундай мутахассислар кўпаймади, аксинча 30 кишига камайди. Натижада ҳар бир ходим ҳар йили 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларининг планини тузиб бермоқда. Прогрессив системани қўлланиш учун сарфланган ҳаражатлар аллақачон тўла қопланди ва ҳозиргача ундан кўрилган фойда ҳажми 6 миллион сўмликни ташкил этди.

Қ. ЭРДОНОВ.

# ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

## СССР — АРАБЛАРНИНГ СОДИҚ ДЎСТИ

ДАМАШҚ. (ТАСС). Совет Иттифоқи арабларнинг содиқ дўсти, уларнинг одилона иши ва ҳаққоний миллий ҳуқуқлари тарафдори эканини бир неча бор исботлади, деди Сурия ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Ан-Ноиб.

У СССР билан САР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган куннинг 40 йиллигига бағишлаб бу ерда ўтказилган оммавий митингда сўзга чиқиб, иккала дўст мамлакат ўртасидаги мавжуд алоқаларнинг ўзаро манфаатли ва кўп томонлама характерини таъкидлади. Иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши Совет — Сурия муносабатлари тарихида муҳим босқич бўлиб қолди. СССР билан САР АҚШ ва унинг иттифоқчилари хатарли режаларига қарши курашчиларнинг ягона сафида турибдилар. СССРнинг позицияси империализмга қарши йўлни ўтказишда Сурияга ёрдам бермоқда, деб уқтирди у.

Нотиқ Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги сиёсатига юқори баҳо берди ҳамда Сурия халқига кўрсатилаётган доимий мададкорлик учун миннатдорчилик изҳор этди. Совет Иттифоқи билан самарали ҳамкорлик — Сурия экономикасини ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи муҳим омил бўлиб, мамлакатнинг миллий манфаатларига мос бўлиб тушади.

## ЎРИНЛИ ҒАЗАБ

БОНН. (ТАСС). Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасининг Клейва шаҳридаги суд маъмурлари Германия Компартиясининг раиси Эрнст Тельманни ўлдиришда айбланаётган Вольфганг Оттога нисбатан бепарволик позициясида турганлиги ГФРнинг демократик жамоатчилигини ғазаблантирди.

Мазкур Эс-Эс жаллодининг ишини кўриб чиқишдан Клейвадаги суд еттинчи марта бош тортмоқда, деб таъкидланади нацизм даврида тақиқ қилинган кишилар бирлашмаси — антифашистлар иттифоқининг бу ерда тарқатилган баёнотида, ҳолбуки, В. Оттонинг айбини исботловчи ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган далиллар, шу жумладан гувоҳларнинг шоҳидликлари судга тақдим этилган.

## «ОЛТИН ЁМҒИР»

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Рейган маъмурияти амалга ошираётган қуролланиш пойгасини узлуксиз кучайтириш программаси Американинг ҳарбий саноат концернлари учун «олтин ёмғирга» айланмоқда. «Ю Эс Эй Тудей» газетасининг хабар қилишича, икки йил муқаддам қаттиқ молиявий қийинчиликларга дуч келган «Мартин Мариетта» корпорацияси энди иқтисодий равнақ даврига кирди ва газетанинг ибораси билан айтганда, унинг истиқболлари «ҳеч қачон бу қадар порлоқ бўлмаган эди».

Пентагоннинг МХ ва «Першинг-2» ракеталарини, лазер ёрдамида мўлжал олдирадиган артиллерия снарядлари, «В-1» янги стратегик бомбардимончи самолёт компонентларини ишлаб чиқариш учун берган катта-катта буюртмалари концерннинг ишларини ўнглаб олиш имконини берди. «Ажал уруғи» ишлаб чиқарувчилар космик қуролни кўплаб ишлаб чиқаришга киришишга команда бериладиган пайтни зўр умид билан кутмоқдалар.

## КОНФЕРЕНЦИЯГА ДАЪВАТ

АММОН. (ТАСС). Иордания қироли Ҳусайн ва расмий визит билан бу ерда турган Франция президенти Ф. Миттеран Яқин Шарқ можаросини бартараф қилиш учун БМТ паноҳида халқаро конференция ўтказишга чақирдилар. Бу — регион муаммосини ҳал этишнинг бирдан-бир йўлидир, деди журналистлар ҳузурида сўзга чиққан Иордания қироли. Конференцияда барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, Фаластин озодлик ташкилоти ҳам қатнашиши керак, деб уқтирди Ф. Миттеран. Яқин Шарқдаги аҳволни Фаластин озодлик ташкилотининг иштирокисиз бартараф этиш йўлидаги ҳамма уринишлар хатодир, деб таъкидлади у.

## ГФРДА 1,6 МИЛЛИОН ИШСИЗ БОР

БОНН. (ТАСС). Ғарбий Германиядаги 1,6 миллиондан ортиқ киши «ишсизлик юзасидан бериладиган социал нафақалар фондидан бир тийин ҳам» ололмай чор-ночор кун кечирмоқда, деди немис касаба союзлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Герд Мур. Айни вақтда консерватив сиёсатчи Г. Франке (христиан демократик союз) бошчилик қилаётган меҳнат масалалари билан шуғулланувчи Ғарбий Германия маҳкамаси «кассасида» миллиардлаб марка пул бор. Г. Мур шу маблағ ҳисобидан давлат бюджетининг камоматини қоплаш, яъни ГФРдаги иқтисодий кризиснинг ҳамма машаққатларини меҳнаткашлар зиммасигагина эмас, ҳатто ишсизларнинг ҳам зиммасига тобора кўпроқ юклаб қўйиш йўлидаги уринишлардан огоҳлантирди.

## ПИНҲОНА УРУШ ОҚИБАТИ

ЛУАНДА. Ангола Халқ Республикасидаги мураккаб ҳарбий сиёсий вазият — империалистлар, ЖАР ирқчилари ва уларнинг гумаштлари мамлакатга қарши олиб бораётган пинҳона урушнинг оқибатидир, деди МПЛА — Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР мудофаа министри Педру Мария Тонья. Бу ерда республика ҳарбий денгиз флоти кунини нишонлаш муносабати билан сўзлаган нутқида министр бу уруш Анголанинг социал-иқтисодий ривожланишини қийинлаштираётганлигини уқтириб ўтди. МПЛА — Меҳнат партияси билан АХР ҳукумати мамлакатнинг тинч ривожланишини таъминлаш учун зўр бериб куч-ғайрат сарфламоқдалар, деб таъкидлади П. М. Тонья.

АХР мудофаа министри ангол халқининг ўзларининг авангард ташкилотлари — Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) ва Жанубий Африка африкаликлар миллий конгресси раҳбарлигида озодлик, мустақиллик, тинчлик ва социал адолат учун курашаётган Намибия ва Жанубий Африка ватанпарварларига интернационал ёрдам бераверишини яна таъкидлади.

(ТАСС).

## МОЖАРО ТЕЗРОҚ БАРТАРАФ ЭТИЛСИН

БАҒДОД. (ТАСС). Бу ерда «Эрон — Ироқ урушининг халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун хатарли оқибатлари» мавзуидаги халқаро конференция тугади. Конференция ишида дунёнинг турли мамлакатларидаги сиёсий партиялар, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг 800 дан кўпроқ вакили, шу жумладан совет жамоатчилиги делегацияси қатнашди.

Конференция қабул қилган якунловчи ҳужжатда анжуман қатнашчилари Эрон билан Ироқ ўртасидаги уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни ва можарони музокаралар йўли билан бартараф этишни талаб қилдилар. Ҳужжатда можаронинг бундан буён давом этиши ва кучайиши регионда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик учун таҳликали хавф солиши таъкидланади. БМТнинг, қўшилмаслик ҳаракатининг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг Эрон — Ироқ можаросини тезроқ бартараф этиш йўлидаги куч-ғайратларини кучайтириш зарурлиги ҳам уқтириб ўтилди.

## ФИНЛЯНДИЯНИНГ АҲОЛИСИ

ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). Мамлакат марказий статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, 1984 йил апрелида Финляндия аҳолиси 4 миллион 875 минг 816 кишини ташкил этди. Финларнинг энг кўпи — 1 миллион 165 минг киши Усима губерниясида истиқомат қилади. Мамлакатнинг территорияси жиҳатидан энг каттаси — Лапландия эса аҳолиси энг кам ўлкадир. Бу ерда 200 мингдан сал кўпроқ киши яшайди. Финляндия аҳолисининг 60 процентдан ортиғи шаҳарларда истиқомат қилади.

